

ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАР АСОСИДА ЭШИТИШДА НУҚСОНИ БОР ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КИТОБХОНЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Азимова Дилноза Шерзодовна

Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси

Аннотация: Ахборот кутубхона муассасаларида эшитишда нуқсони бор ўқувчиларнинг китобхонлик компетенциясини шакллантиришдаги методик қўлланмаларнинг мавжуд эмаслиги ёки умумий қилиб инклюзив жамият вакиллари учун яратилган методик қўлланмаларни янада такомиллаштириш, аниқлаштириш мақсадида махсус мактаб ўқувчиларининг китобхонлик компетенцияларини шакллантиришда интерактив методнинг самарали ташкил этиш бўйича йиллик режа намуналари келтириб ўтилди.

Калит сўзлар : Методика, кутубхона, китоб, эшитишда нуқсони бор ўқувчи, китобхон, интерактив, “Flash Mob”, “Bookcrossing”, “Тунги кутубхона”, QR код, “Дактил ўқиш техникаси”, махсус мактаб.

Китобхонлик компетенцияси методикаси бу - ёш авлоднинг китобхонликка бўлган қизиқишларини шакллантириш ва ривожлантириш, ҳамда кутубхонадан самарали фойдлана олиш учун қўлланилувчи турли услубий қўлланмалар мажмуасидир.

Ушбу методикани ишлаб чиқиш нафақат ўқувчиларда китобхонлик компетенциясини ривожига балки, махсус мактаб кутубхоналарининг ҳамда ахборот кутубхона муассасаларининг янги инновацион фаолиятини тарғиб қилиш, ғоялар ва иш шакллари, ўқишни оммалаштиришнинг янги технологиялари, кутубхона ходимларининг ижодий салоҳиятини юзага чиқариши ҳамда ривожланишга ҳисса қўшади.

Одатда ахборот кутубхона марказларида ёшларни китобга жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳамда тез, осон шунингдек сифатли ахборот олишлари учун бир қатор методик ишланмалар ишлаб чиқилади. Лекин имконияти чекланган китобхонлар учун бундай ишланмалар санокли. Янада аниқроқ қилиб айтсак, заиф эшитувчи ўқувчиларнинг китобхонлик салоҳиятини ошириш борасида деярли ҳеч бир кутубхонада алоҳида методик қўлланма яратилмаган. Тадқиқот объекти бўлган ушбу гуруҳ вакилларининг хоҳиш ва истакларини инобатга олиб ёки уларнинг ижтимоий ҳолатига қараб китобхонлик тарғиботининг алоҳида методлари яратилмаган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мазкур методика ишлаб чиқилди.

Кутилайтган натижалар қуйидагилардан иборат:

Махсус мактаб ўқувчиларининг энг янги нашр этилган адабиётлар тақдим этиш орқали уларнинг долзарб мавзуларга бўлган эҳтиёжларини максимал даражада ва тезкор қондириш билан баҳоланади.

Кутубхона фондини модернизация қилиш: яъни махсус мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган сўровнома натижасида олинган талаб ва таклифлардан келиб чиқиб кутубхона фондини мазкур китобхонларга мос янги адабиётлар билан тўлдириш: босма, аудиовизуал ва электрон хужжатлар, даврий нашрлар сонини кўпайтиришни назарда тутати.

Ахборот кутубхона марказларига шунингдек махсус мактаб кутубхонасига янги ўқувчи – китобхонларни жалб қилиш яъни, эшитишда нуқсон бор ёшларнинг ахборотга бўлган ҳошиш ва истакларини қондириш орқали китобхонлар сафини кенгайтиришга эришилади. Бунда ахборот кутубхона марказларида имконияти чекланган китобхонларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш кутилган натижа беради. Жумладан, заиф эшитувчи ўқувчиларнинг электрон тизимдан эркин фойдаланишини таъминлаш, кутубхонанинг ахборот ресурслари ва уларга бошқа бўлимлар, вилоятлар кутубхоналари тўпламларига масофавий киришни оммалаштириш ҳамда махсус мактаб ўқувчилари учун шахсни ривожлантирувчи мутолаа учун мақбул шароитларни яратишни назарда тутати.

Махсус мактаб ўқувчиларининг китобхонлик компетенциясини шакллантиришнинг “Интерактив методи”

Ушбу метод номи психологик терминдан олинган “интеракция” яъни “ўзаро таъсир” демакдир. Бунда “ўзаро таъсир” шахслараро мулоқот тарзида тушунилади. Яъни “бошқа бир шахснинг ролини олиш”, вакиллик қилиш қобилияти, алоқа ҳамкори ёки гуруҳ томонидан қандай қабул қилинганлиги. Мазкур ҳолатда вазиятни изоҳлаш ва ўз ҳатти ҳаракатини назорат қилиш демакдир.

“Интерактив” ўзаро мулоқот қилиш қобилиятини англатади. Ким билан нима ҳақида суҳбатни назарда тутати. Демак, интерактив усуллар кутубхонада китобхонлик компетенциясини шакллантиришда икки томонлама яъни кутубхоначи ва ўқувчи маълумот алмашинуви билан тавсифланган усулдир. Бу методда асосий мақсад кутубхоначи мулоқот давомида ўқувчиларнинг китобга, мутолаага бўлган ижобий муносабатини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилгандир.

Интерфаол усулнинг моҳияти шундаки, махсус мактаб ўқувчиларининг нафақат ҳиссий қобилиятлари жиҳатдан қамраб олинishi керак балки, ушбу суҳбатда фаол иштирок этишини таъминлаши керак. Муқаррар равишда интерфаол методда ўз муносабатини билдиради, фаол импровизациялар қилади.

Агар ўқувчи китоблар ҳақида фақат ўқиб, у ҳақда маълумотни қабул қилса 50-60% эслаб қолади. Агар ўзи ҳам ушбу китоб мутолааси ҳақида суҳбатда фаол иштирок этса, ўзининг салбий, ижобий фикрларини бирилдирса 80-90% ёдда сақлаши мумкин.

Махсус мактаб ўқувчиларининг китобхонлик компетенциясини шакллантиришда интерактив методикасига ахборот кутубхона ишининг қуйидаги шакллари киради: ўқув семинарлари, конференциялар, китобхонликка оид турли танловлар, мунозара клублари, эшитишда нуқсонли бор шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган турли оммавий акциялар “Flash Mob”, “Китоб саёҳати – Bookcrossing”, “Тунги кутубхона”, “Мен севган асар” марафони, турли слайд - викториналар кабилар шулар жумласидандир. Қуйида махсус мактаб ўқувчиларининг китобхонлик компетенциясини шакллантиришдаги интерактив метод йўналиши бўйича йиллик режа намуна сифатида ишлаб чиқилди. Ихтиёрий ахборот кутубхона марказлари ёки махсус мактаб кутубхоналари ушбу намуна асосида ўз календар режаларини ишлаб чиқишлари мумкин.

Китобхонлик компетенцияси шакллантириш интерактив методлари календарь режа намунаси

1. *«Имкониятни имконсиз жойда топганлар» Эшитиш қобилиятини йўқотишдан азият чекадиган энг машҳур одам - немис бастакори, пианиночи, дирижёр Людвиг ван Бетховен (1770-1827) ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбир.* Тадбир ахборот кутубхона марказида ташкил этилади. Бунда ўқув зали мавзуга мос безатилади. Махсус мактаб маъмуриятига олдиндан белгиланган шартномага кўра таклифнома юборилади. Ҳамда тадбир учун дастур тузилади. Дастурнинг қисқача мазмуни электрон кўринишда ўқувчиларга тақдим этилади. Дастурнинг асосий мазмуни яъни мавзуга доир: немис бастакори, пианиночи, дирижёр Людвиг ван Бетховен ҳаёти ва ижодига оид *сурдослайд* тақдимоти ўқувчиларга намойиш этилади. Сурдослайд намойишидан сўнг махсус мактаб ўқувчилари билан ушбу мавзу ҳақида фикр алмашиналиди.

2. *«Китоблар яшашга ёрдам беради: китоб кўрғазмаси»* тадбири. Китобларга QR кодли библиографик шарҳ. Кўпгина замонавий ахборот кутубхоналарида урф бўлган китоблар сурати туширилган кўрғазмада QR код берилган бўлиб китобхонлар ушбу QR код орқали ихтиёрий китобни ўз телефонларига юклаб олишлари мумкин. Махсус мактаб ўқувчилари учун ҳар бир китобга бундай QR код иккита қилиб жойлаштирилади. Бири китобга тегишли библиографик шарҳ субтитрли видеотасмаси туширилган QR код бўлса иккинчиси мазкур китобнинг электрон кўринишидир. Ўқувчи аввал биринчи QR код орқали китоб нима ҳақида эканлигини субтитрли видеотасма орқали билиб олса иккинчи QR код ушбу китобни юклаб олишига хизмат қилади.

3. **“Кутубхона чексиз имкониятлар худудидир” Кутубхонада ЭНБ ёшларга хизмат кўрсатиш маҳорат дарслари.** Ахборот кутубхона муассасаларининг Хизмат кўрсатиш бўлими мутахассислари учун махсус мактаб сурдопедагоглари иштирокида маҳорат дарслари ташкил этилади. Бунда тажриба синов учун ўқувчиларнинг кутилмаган саволлари ҳамда уларнинг хавсиз, эркин мулоқотга киришишларини таъминлаш учун маҳорат дарслари ташкил этилади. Тажриба синов вақти ўқувчилар кутилмаган вазиятларни сунъий равишда намойиш этиб, ушбу вазиятда кутубхона ходимларининг улар билан мулоқотга киришиш маҳорати ўрганилади.

4. **“Асар қахрамонларини жонлантирамиз” Махсус мактаб-интернат ўқувчилари ўртасида “Дактил ўқиш техникаси” га доир очик дарс.** Ушбу тадбир алоҳида сценарий асосида кутубхоначилар ва сурдопедагоглар томонидан таёрланади. Ўқувчилар ҳам сценарий асосида ўзларига берилган ролларни олдиндан билишлари ҳамда тайёргарлик кўришлари керак. Керакли бир асарнинг маълум қисми сахна кўринишида ўқувчилар томонидан намойиш этилади. Яъни асардаги қахрамонлар махсус мактаб ўқувчилари томонидан жонлантирилади. Агар асарда монолог ёки шеърини қисми бўлса дактил нутқ орқали ўқиб берилади. Тадбир якунида сахна кўриниши бўйича ўқувчилар билан бахс-мунозара ташкил этилади. Уларнинг асар ҳақида ижобий ёки салбий фикрлари ўрганилади.

5. **«Эзгулик ва мурувват номи билан: Адабий-билим соати» ЭНБ китобхонлар клуби ўртасида танлов.** Махсус мактаб кутубхонасининг энг фаол китобхонларидан иборат тузилган “Китобхонлар клуби” аъзолари иштирокида ёки ушбу мактабнинг танловда иштирок этиш истагидаги ўқувчилари ўртасида “Адабий-билим соати” ташкил этилади. Яъни ўқувчилар учун олдиндан бирор муддатга (масалан 10 кун ичида) ихтиёрий асар танланиб, ҳамма баробар мутолаа қилиши шарт бўлади. Белгиланган муддат келганда ушбу асар юзасидан тест ёки савол-жавоб кўринишида танлов ташкил этилади. Танловда ғолиб гуруҳларга эсдалик совғалари топширилади.

6. **«Диққат! Диққат! Кутубхона уйингизга таширф буюради» ЭНБ китобхонлар уйларига кўчма кутубхона ташкил этилади.** Ушбу тадбирда нафақат эшитишда нуқсонли бор ўқувчилар уйларига балки, бошқа имконияти чекланган ёшлар уйларига, ёки махсус мактаб ётоқхоналари ҳам кўчма кутубхона ташкил этиш мумкин. Кўчма кутубхона ташкил этишда кутубхона фондидаги энг замонавий китоблар саралаб олинади ва ўқувчи, ёшлар уйларига ёки махсус мактаб ётоқхоналарига кутубхоначилар билан таширф буюрилади. Китоблар кўргазма сифатида ясашиб қўйилади. Исталган ўқувчи келиб китобларни мутолаа қилиши мумкин.

7. **“Сиз ёлғиз эмассиз” Сурдо маълумот стенди ҳамда “Ўз ҳуқуқингизни биласизми” сурдо слайд намойиши.** Бунда ахборот кутубхона марказлари ўқув залида давлатимиз сиёсати ҳақида, “Конституциямиз-қомусимиз” номли, ёшларга оид қонун қоидалар, ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларига аталган маълумотлар жамланиб стендга ёпиштирилади. Шунингдек, махсус мактаб ўқувчилари учун “Ўз ҳуқуқингизни биласизми” номли сурдослайд номойиши тақдим этилади.

8. **Миллий ёзувчи ва шоирлар, таниқли адабиёт ва жамоат арбобларининг уй-музейларига виртуал экскурсиялар. Сурдотаржимон ёрдамида.** Ахборот кутубхона муассасасининг доимий режалари асосида ташкиллаштирилган – ўлкашунослик маълумотларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида шаҳримиздаги ўзбек адиблари, фан арбоблари, таниқли шоирларнинг уйларига кутубхона мутахассислари ва сурдопедагоглар билан биргаликда экскурсиялар ташкил этиш. Бунда махсус мактаб маъмурияти томонидан ташкиллаштирилган махсус транспорт воситаси орқали эшитишда нуқсонли бор ўқувчиларни ўлкамиз бўйлаб маданий уй музейларига олиб бориш ҳамда ушбу адиблар ҳақида батафсил маълумот бериш ҳамда уларнинг қўлёзма асарларини намойиш этилади.

9. **«Кутубхонада очиқ эшиклар куни» муносабати билан сурдотаржимон билан шаҳримиздаги кутубхоналарга саёҳат ташкил этиши. Тошкент шаҳридаги барча ЭНБ ёшларни кутубхонага аъзо бўлиши ҳақида маҳорат дарслари ташкил этиши.** Ихтиёрий заиф эшитувчи фуқаро бирор бир ахборот олиш мақсадида шаҳримиздаги исталган кутубхонага келиб кутубхонага аъзо бўлиш тартиби, кутубхона ўқув заллари имкониятлари ҳамда кутубхона фондидан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари, библиографик маълумот олиш кўникмаларини шакллантириш учун ташкил этилган маҳорат дарсларидан биридир. Маҳорат дарслари махсус мактаб ўқувчиларининг ёш ва синфига қараб босқичма-босқич амалга оширилади.

10. **«Касб танлаймиз» Махсус мактаб интернати битирувчи ўқувчиларининг касб танлашлари учун “Бандлик хизмати” вакиллари билан учрашув.** Ахборот кутубхона марказлари мутахассислари томонидан ташкил этилган ушбу давра суҳбати эшитишда нуқсонли бор мактаб битирувчи ўқувчиларининг келажакда қандай касб эгаллашлари учун, касб танлаш имкониятлари, хунармандчилик курслари ҳамда давлат томонидан ташкил этилган имтиёзлар ҳақида маълумот бериш учун мўлжалланган. Давра суҳбатида нафақат шаҳар, туман Бандлик хизмати вакиллари, балки Кар-соқовлар жамияти вакиллари ҳамда туман ҳокимият мутахассислари билан биргаликда ташкил этиш, уларнинг Имконияти чекланган шахсларга берилаётган имтиёзлари, турли иш ўринлари ҳақида маълумот олиш яхши самара беради.

11. **“Имконияти чекланган ёшлар: муаммо ва ечимлар” ЭНБ ёшлар ва давлат органлари ходимлари билан давра суҳбати.** Бунда асосан Олий таълим вакиллари, Халқ депутатлари Кенгаши депутатлари иштирокида ташкил этилади. Махсус мактаб ўқувчиларининг ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоб оладилар. Шунингдек қандай ижтимоий муаммолари бўлса бевосита ёки Олийгоҳларга қабул қилиш имтиҳонларидаги имтиёзлар ҳақида маълумотга эга бўладилар. Давра суҳбати сурдотаржимон ёрдамида амалга оширилади.

12. **“Ишонч ва умид асосий кучимиздир” ЭНБ ёшлар ижодий ишлар кўргазма танлови.** Махсус мактаб маъмурияти ҳамда ахборот кутубхона маркази мутахассислари билан келишилган ҳолда эшитишда нуқсонли бор ўқувчиларнинг турли ижодий ишлари намойиши ҳамда танлови ташкил этилади. Ижодий ишлар танловида асар қахрамонлари суратлари, қўл меҳнати ишлари, ёғоч ўймакорлик, тикувчилик, тўқувчилик, техника тўғарақларидаги ижодий ишлар кўргазмаси бўлиб ўтади. Кўргазмада тумандаги бошқа мактаб ўқувчилари ўзларининг ижодий ишлари билан иштирок этишлари мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сафарова Р. ва б. Уқувчиларнинг билиш фаолиятларини кенгайтиришга йуналтирилган уқув вазиятларини танлаш ватизимлаштириш// Методик кулланма. - Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2013.
2. Тургунов С.Т. ва б. O'qituvchilarning kasbiy mahorat va kompetentligini rivojlantirish// Sano-standart. - Тошкент, 2012.
3. Муслимов Н.А., Куйсинов О.А ва бошқ. Булажак касб таълим уқитувчиларининг методик компетентлигини шакллантириш технологиялари. Методик кулланма. -ТДПУ. 2014.
4. Guidelines for Library Services to Deaf People 2nd Edition (Revised edition of Professional Report No. 24) Edited by John Michael Day International Federation of Library Associations and Institutions IFLA Professional Reports, Nr. 62
5. Уралова А.Г., главный библиотекарь отдела координации деятельности библиотек области Псковской ОУНБ «Твоя библиотека». Анализ результатов исследования.
<https://pskovlib.ru/kolegam/issledovaniya/materialy/1773-tvoya-biblioteka-analiz-rezul-tatov-issledovaniya-1>